

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 20 январь • №3 (1387)

## ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЗАМИРИДА ҚАНДАЙ МАЪНО-МОҲИЯТ МУЖАССАМ?

### Депутат фикри

**Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамалари шу йил 15 январда якунланади. Мазкур ҳужжат асосида, биринчидан, Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси, иккинчидан, Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”, учинчидан, Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича миллий комиссия таркиби юзасидан кўплаб таклиф ва мулоҳазалар келиб тушмоқда.**

Авваломбор, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”, деган номнинг мазмун-моҳиятига мухтасар тўхталамиз. Зеро, бу номнинг келиб чиқиши, фикримизча, бир қатор муҳим омилларга бориб тақалади.

**Биринчи омил:** ушбу ном Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси – Ҳаракатлар стратегиясининг мантикий давоми эканини аниқлатади. Агар Ҳаракатлар стратегиясида 5 та устувор йўналиш белгилаб олинган бўлса, Тараққиёт стратегиясида ҳам ушбу устувор йўналишлар давомилиги сақлаб қолинган.

Шу билан бир қаторда, тараққиёт ўзгаришларининг янги тарихий босқичда давом эттирилиши кўзда тутилган ҳолда, Тараққиёт стратегиясига 2 та янги устувор йўналиш қўшилипти. Булардан бири – маънавий тараққиётни таъминлаш билан боғлиқ бўлса, иккинчиси – Ўзбекистоннинг дунёда юз бераётган глобал муаммоларга муносабати негизда белгиланган янги устувор йўналишдир.

**Шундай қилиб, Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида қуйидаги еттига устувор йўналиш назарда тутилган:**

**биринчи устувор йўналиш** – инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

**иккинчи устувор йўналиш** – мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

**учинчи устувор йўналиш** – миллий иқтисодий ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш;

**тўртинчи устувор йўналиш** – адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капитални ривожлантириш;

**бешинчи устувор йўналиш** – маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислох этиш ва янги босқичга олиб чиқиш;

**олтинчи устувор йўналиш** – умумбашарий муаммоларга миллий

манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ечим топиш;

**еттинчи устувор йўналиш** – мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик ва прагматик, фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

**Иккинчи омил:** Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойили илгари сурилаётгани бежиз эмас. Чунки, аввало, Ҳаракатлар стратегиясидаги ҳар бир йўналишни тараққиётнинг янги босқичида мантикий ва изчил асосда ривожлантириш ҳамда янги устувор йўналишларда муҳим натижаларга эришиш кўзда тутилмоқда.

### ИНСОН ҚАДРИ – БОШ ТАМОЙИЛ

Тараққиёт стратегиясида асосий эътибор, бир томондан, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир қонунлар, кодекслар, концепция ва дастурлар қабул қилинишига қаратилган.

Иккинчи томондан, унда қонун устуворлигини таъминлаш, конституциявий ислохотни ҳаётга изчил татбиқ этиш, миллий иқтисодий ривожлантириш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, маънавий ятни ривожлантириш, шунингдек, глобал муаммоларга Ўзбекистоннинг муносабати, хавфсизлик ва ташқи сиёсат борасидаги муҳим вазифалар камраб олинган.

Энг асосийси, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги 7 устувор йўналишнинг бош ғояси – инсон қадрини таъминлашдир. Чунки, Президентимизнинг сайловолди дастуридаги асосий ғоя ҳам “Инсон қадри учун” тамойили эди.

**Учинчи омил:** инсон қадрини жойига қўйишни қонуний ва ташкилий-ҳуқуқий йўллар билан ҳаётимизнинг барча соҳаларида миллий, минтақавий ва халқаро ҳамкорлик даражаларида қандай қилиб амалга ошириш керак? Тараққиёт стратегиясида бу долзарб саволга жуда кўплаб аниқ мақсадларга қаратилган амалий жавоблар бор.

Ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир устувор йўналиши бўйича хо-

зирги кунга қадар 26 та концепция ва бир қатор дастурлар қабул қилинган бўлса, келгусида Тараққиёт стратегияси доирасида 13 та кодекс, 12 та қонун, яъни ҳар бир устувор йўналишда зарур қонун ҳужжатлари қабул қилиниши кўзда тутилган. Жумладан, Тадбиркорлик кодексининг ишлаб чиқиши – юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва тадбиркорлар ҳуқуқларини тўлиқ химоя қилишнинг мустаҳкам қонуний асосига айланади.

Бўлажак Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодексида фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий мезонлари ўз аксини топади.

Ахборот кодекси – шу вақтга қадар амал қилаётган оммавий ахборот воситалари, журналистлар фаолияти, ахборот ва сўз эркинлигига бағишланган ўндан ортик қонун кодификация қилинган ягона ва яхлит қонун ҳужжати сифатида қабул қилинишининг натижаси бўлади.

**Тўртинчи омил:** Янги Ўзбекистон тарраққиёт стратегиясининг нафақат номланиши, айни чоғда унда белгиланган устувор йўналишлар ва муҳим вазифалар ҳам миллий ёки минтақавий микёсдагина эмас, балки глобал даражада улкан аҳамиятга молик халқаро ҳужжатлар билан уйғун ва ҳамохандир.

### ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ – ДУНЁ ТАРАҚҚИЁТ ТРЕНДЛАРИГА ТЎЛА МОС

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2015–2030 йилларда Барқарор тараққиёт мақсадларини эълон қилган. Бу халқаро ҳужжат ўзбек тилида “Барқарор тараққиёт мақсадлари” ёки “Барқарор ривожланиш мақсадлари”, деган номлар билан сизу бизга яхши таниш.

Дастлаб Ҳаракатлар стратегиясида, эндиликда эса Тараққиёт стратегиясида ҳам Ўзбекистон бажаришни ўз зиммасига олган БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларини мамлакатимиз ҳаётига татбиқ этишнинг аниқ тактика ва стратегиялари белгилаб берилмоқда.

Бошқача айтганда, Ўзбекистон ташқи халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли аззоси сифатида ўзининг БМТ Барқарор тараққиёт мақсадлари билан ҳамоханг ҳолда ривожланиши, бу борадаги ўзига хос ўрни ва аҳамияти, янада муҳими, ибратли тажрибасини бутун дунёга кўрсата олди. Ўз навбатида, Янги Ўзбекистон тарраққиёт стратегияси ушбу муҳим тараккийправар жараён узлуксиз давом этаётганидан далолат беради.

Бугунги кунда халқаро ҳамжамият томонидан Тараққиёт ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қолаверса, 35 йилдан буён Тараққиёт ҳуқуқи тўғрисидаги декларация амал қилмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон Президенти тақдим этаётган Тараққиёт стратегияси халқаро ҳамжамиятнинг ривожланиш тенденцияларига, бутун дунёнинг тараққиёт



трендларига тўла мос келади.

Шуни ҳам айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма қарори билан Барқарор тараққиёт мақсадларини амалга ошириш бўйича конституциявий парламент комиссияси тузилган.

Парламент комиссияси Барқарор тараққиёт мақсадлари ижро этилишини парламент назорати йўли билан таъминламоқда. Бинобарин, Тараққиёт стратегиясини амалда татбиқ этишда ҳам парламентнинг ролига алоҳида эътибор қаратилаётгани жуда муҳим.

### ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ХАЛҚЧИЛ ДАВЛАТ

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” лойиҳасида “Давлат халққа хизмат кўрсатиши шарт” ғоясини татбиқ этишни назарда тутувчи “Халқчил давлат” миллий дастурини ишлаб чиқиш вазифаси зиммамизга юкланган бежиз эмас. Албатта, ушбу Дастур лойиҳаси, илғор хорижий давлатларнинг тажрибасини инобатга олган ҳолда, белгиланган муддатда ишлаб чиқилади ва тақдим этилади.

“Йўл харитаси” лойиҳасида яна бир муҳим вазифа – Халқ қабулхоналарининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш масаласи учун масъул этиб белгиланганмиз. Халқ қабулхоналари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва уларнинг давлат бошқаруви тизимидаги мақомини мустаҳкамлашга қаратилган Конституциявий қонунни қабул қилиш бўйича ишларни аллақачон бошлаб юбордик.

Янги Ўзбекистонда мутлақо янги миллий ҳуқуқий тизим шаклланди. Бу даврда “инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, айниқса, қадри – энг муҳим қадрият” деган тамойил эътироф этилмоқда.


**Бунда, биринчидан, қийноқларнинг олдини олиш бўйича тегишли халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиш тақозо этилади. Иккинчидан, қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив миллий механизмнинг қонуний асосларини ривожлантириш керак бўлади. Ҳамкор ташкилотлар билан ҳар икки масала бўйича, умуман, Тараққиёт стратегияси ижроси доирасида ўзаро ҳамжиҳатликда фаол иш олиб борамиз.**

Акмал САИДОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
Спикерининг биринчи ўринбосари.

# ФЛАГМАН ОТЕЧЕСТВЕННОЙ ХИРУРГИЧЕСКОЙ СЛУЖБЫ НА НОВОМ ЭТАПЕ РАЗВИТИЯ

## Здравоохранение

*За последние годы сфера здравоохранения Узбекистана продвинулась далеко вперед. Это результат планомерной работы, инициатив и проектов, выдвинутых Президентом. Система оказания медуслуг гражданам, как отмечал глава государства, должна выйти на высокий уровень, прийти в соответствие с международными стандартами.*



Говоря о прогрессе в отечественной медицине, важно упомянуть о том, что в сфере действует прочная правовая база, регулирующая все этапы ее развития. В числе главных документов - Указ главы государства «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года. Им утверждены Концепция развития системы здравоохранения Республики Узбекистан на 2019-2025 годы и Программа мер по реализации Концепции развития системы здравоохранения Республики Узбекистан в 2019-2021 годах. Также большой вклад в развитие сферы внесли постановления Президента «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского образования и фармацевтического образования и науки» от 6 мая 2019-го, «О повышении качества и дальнейшем расширении охвата медицинской помощью, оказываемой женщинам репродуктивного возраста, беременным и детям» от 8 ноября 2019-го, «О мерах по развитию государственно-частного партнерства в сфере здравоохранения» от 16 апреля 2019-го и другие.

Благодаря реализации обозначенных в документах мер удалось повысить уровень оказания медпомощи населению, привести в отрасль новые решения и передовые технологии.

А на днях Министерством

здравоохранения Республики Узбекистан организован пресс-тур по ряду медузведений страны. В их числе - Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени В. Вахидова. РСНПМЦ - флагман отечественной хирургической службы, а также одно из передовых медузведений региона. Благодаря труду специалистов центра качественные диагностику и лечение получают тысячи пациентов, в том числе прибывающие из-за рубежа.

- Центр является многопрофильным научным и лечебным учреждением. Здесь выполняются наиболее сложные оперативные вмешательства в области абдоминальной, торакальной и кардиохирургии, - рассказал директор центра доктор медицинских наук Сайдимурат Исмаилов. - Наши врачи проводят уникальные операции, некоторые из них не выполняются ни в одной стране региона. Лечебно-диагностическая помощь населению оказывается врачами консультативно-диагностической поликлиники, отделений, а также сотрудниками научных отделов.

Консультативно-поликлиническое отделение рассчитано на 300 посещений в день и 80 тысяч - в год. Коечный фонд центра включает 370 мест. Сердечно-сосудистый блок развернут на 180 коек, а торакоабдоминальный блок -

на 190. В центре функционируют следующие отделения: хирургии врожденных пороков сердца; хирургии врожденных пороков сердца для детей до трех лет; взрослой кардиохирургии; рентгеноэндоваскулярной хирургии и нарушения ритма сердца; хирургии сосудов и трансплантации почки; коронарной хирургии и ее осложнений; хирургии легких и средостения; хирургии пищевода и желудка; торакоабдоминальной онкохирургии; гепатобилиарной хирургии и трансплантации печени № 1 и № 2; пластической и реконструктивной микрохирургии; отделение эндовизуальной хирургии.

РСНПМЦ налажено тесное сотрудничество с ведущими клиниками мира. Здесь также разрабатываются, внедряются и успешно применяются самые передовые и высокоэффективные методы диагностики и лечения. Одно из перспективных направлений - развитие хирургии врожденных пороков сердца. Выполняются самые сложные оперативные вмешательства у детей с врожденными пороками развития сердечно-сосудистой системы.

За последний год в центре резко увеличился объем операций среди детей до трех лет (186). Этот вид - один из сложнейших в мировой медицине. Общее количество операций за 2021 год составило 562. Стоит отметить, что, помимо выполнения данного вида вмешательств, специалистами центра проводится повсеместное внедрение его в регионах страны. Так, в 2021-м в областных центрах подобных операций было сделано 45.

Отдельное направление работы - внедрение и развитие трансплантологической службы в стране. В учреждении проведено 567 родственных гетеротопических трансплантаций почки. При этом отмечается неуклонный рост количества выполняемых вмешательств. Так, в 2019-м про-

ведено 88 операций, в 2020-м - 104, а в 2021-м - 216. Отрадно, что среди пациентов, перенесших указанное оперативное вмешательство, число летальных исходов и процент осложнений не превысили результатов ведущих зарубежных клиник.

В числе приоритетов руководство центра видит развитие наиболее сложного вида хирургического вмешательства - родственной ортотопической трансплантации печени. Начальный этап этой программы уже выполнен. Следует отметить, что для больных циррозом и другими заболеваниями печени трансплантация - единственный метод лечения. В целях обеспечения пациентов высокотехнологичной специализированной медицинской помощью в центре совместно с иностранными специалистами выполнено девять первых в нашей стране родственных ортотопических трансплантаций печени от живого донора.

Новой вехой в развитии программы трансплантации печени в Узбекистане явилось сотрудничество с ведущими зарубежными клиниками. При поддержке руководства страны только в 2021 году специалисты центра неоднократно проходили стажировку в России и Беларуси. Это дало возможность провести первую в республике самостоятельную ортотопическую трансплантацию печени от живого родственного донора. Специалистами центра также проконсультировано большое количество больных с декомпенсированным патологическим процессом в печени. Среди группы пациентов отобран наиболее тяжелый контингент, которому требуется незамедлительное выполнение родственной трансплантации. В последующем медиками вы-

полнены еще пять таких самостоятельных операций.

Наряду с внедрением трансплантологических технологий в центре также успешно функционирует отделение рентгеноэндоваскулярной хирургии и нарушений ритма сердца. Здесь проводятся сложнейшие оперативные вмешательства на сердце и сосудах малоинвазивным способом (без открытых операций).

Ежегодно в отделении выполняется порядка 2,5 тысячи ангиокардиографических исследований и малоинвазивных операций, в том числе вмешательства у детей с врожденными пороками сердца, куда входит закрытие дефектов перегородки сердца окклюдерами, рентгеноэндоваскулярные операции у новорожденных и детей первого года жизни (300 пациентов в год).


В 2021-м согласно графику, утвержденному Министерством здравоохранения, осуществлено более 200 выездов и мастер-классов с участием более 250 специалистов центра с привлечением 1500 хирургов региональных клиник. С целью оказания практической медицинской помощи населению на местах проведено свыше 250 показательных хирургических операций и более десяти тысяч консультаций. В результате этих мероприятий в практику региональных хирургических учреждений внедрено 30 новых методов диагностики и лечения.\*\*\*

Вчерашние способы лечения в настоящее время активно заменяются современными технологиями, передовыми подходами. На новый уровень вышли также профилактика и диагностика заболеваний. Ведется активная работа по снижению рисков для здоровья населения, создается прочный фундамент счастья и благополучной жизни граждан. Весь этот процесс направлен на укрепление здоровья народа.

*В целом намеченные меры по совершенствованию системы здравоохранения отображают приоритеты социально-экономической политики нового Узбекистана, что позволит модернизировать и укрепить отечественное здравоохранение, заложить основы его долгосрочного развития.*

Подготовила  
Евгения ЮН.  
«Правда Востока».  
Фото Музаффара Абдуллаева.

# ДУНЁ ОЛИМЛАРИ “ТВИНДЕМИА” ХАВФИДАН ОГОҲЛАНТИРМОҚДА



**Огоҳ бўлайлик!**

**Дунёда эпидемиологик вазият барқарорлашиши яна ортга сурилиши мумкин. Бир томондан коронавирус пандемиясининг янги тўлқини авж олмақда. Қатор давлатларда кунлик касалланиш кўрсаткичлари рекорд даражасига етпти.**

Коронавируснинг “омикрон” штамми, айниқса, Европа мамлакатларини анча “холдан тойдирди”. Бироқ, олимларнинг айтишича, қитъа аҳолисини олдинда яна бир оғир синов кутиб турибди. Бу — грипписинфекцияси. Маълумотларга кўра, ушбу

хасталик туфайли ҳар йили жаҳонда 650 мингга яқин одам ҳаётдан кўз юмади. Шунга қарамай, ўтган йили Европада грипписинфекцияси нисбатан кам тарқалди. Чунки аввалги кузги мавсумларида минтақада пандемия чекловлари ҳозиргига қараганда анча катъий эди. Одамлар тиббий никоб тақиш, ижтимоий масофа сақлаш ва шахсий гигиена қоидаларига оғишмай амал қилаётганди. Бунинг устига, ўз-ўзини изоляция қилиш талаблари кучайтирилганди. Аммо коронавирус инфекциясига қарши оммавий эмлаш кўрсаткичлари оша бошлагач, карантин талаблари юмшатилади, қатор чекловлар бекор қилинди. Бу эса

аҳоли ўртасида грипписинфекцияси кенг тарқалиши учун қулай муҳитни юзага келтирди. Касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш бўйича Европа маркази (ECDC)нинг хабар беришича, ўтган йил декабрь ойи ўрталаридан бошлаб Европада грипписинфекцияси кутулганидан кўра анча тез тарқала бошлади.


Ушбу марказ бош эксперти Паси Пенттиненнинг фикрига кўра, минтақада яшовчилар ёзгача чўзилиши мумкин бўлган ғайриоддий “давоми грипписинфекцияси” мавсуми билан юзма-юз келишлари мумкин. Франция Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, мамлакатнинг уч вилояти, жумладан, Париж аҳолиси аллақачон

грипп тўлқинига дуч келган. Бошқа ҳудудлар ҳам шундай эпидемия арафасида. Шу сабабли олимлар икки қарра пандемия, яъни “твиндемия” хавфидан огоҳлантиришмоқда.

“Ахвол ёмонлашиб кетса, бу йил тарқалаётган грипписинфекцияси доминант штамми — Н3А вируси кўпроқ кексалар орасида энг оғир ҳолатларга сабаб бўлади” дейишмоқда мутахассислар. Шундай мураккаб бир вазиятда “омикрон” билан боғлиқ хавотирлар хануз босилгани йўқ. Швеция академик лабораториясида уч беморда ушбу штаммининг янги мутацияси аниқланди.

@ssvuz

## “ЗАНГИОТА-2” ШИФОХОНАСИ ДИРЕКТОРИ ДОНИЁР МИРАЗИМОВНИНГ КОРОНАВИРУС БИЛАН БОҒЛИҚ ОҒИР ВАЗИЯТ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ



"Сиз бизнинг шифохонамизга оддий грипписинфекцияси билан келасиз, лекин омикрон билан кетишингиз мумкин." Аксарият одамлар бизга ташхис қўйиш учун муурожаат қилишади, яъни улар нафақат ўзларини, балки қариндошларини ҳам хавф остига қўйишади. Улар вирус юктиришлари мумкинлигини тушунишмайди. Барчадан илтимос, тушуниб олинг: Зангиота 1 ва 2 касалхоналари COVID-19 асоратлари билан оғриган беморларни даволаш учун ташхис этилган. Ташхис қўйиш учун поликлиникалар ва туман СЭС бўлимларига ташриф буюринг.

## БУСТЕР ДОЗА СУСАЙИБ БОРАЁТГАН ИММУН ТИЗИМИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРАДИ



**Мутахассислар COVID-19га қарши ҳозирча бир мартаба бустер доза вакцина олишни таклиф қилмоқда. Мабодо пандемия узоқ вақт давом этгудек бўлса, бустер дозага бир неча мартаба муурожаат қилиниши ҳам мумкин.**

Шуни таъкидлаш керакки, бустер доза вакцинадан фойдаланиш амалиёти тиббиётда анчадан бери мавжуд бўлиб, республикамизда шол, қизамик, қизилча, бўғма каби қатор юкумли касалликлар вакцинапрофилактикаси жараёнида қўлланилган.

Мутахассисларнинг фикрича, бустер доза вакцина билан эмланиш коронавируснинг “альфа”, “дельта” штаммларидан ташқари “омикрон”дан ҳам ҳимоя қила олади. Мабодо

касаллик юкса ҳам, у жиддий асоратларсиз, энгил ўтиб кетади.

Ушбу соҳадаги халқаро экспертларнинг фикрича, вақт ўтиши билан эмлангандан

кейин ҳосил бўлган антитаначалар камаю бошлайди. Ҳар қандай шахс вакцинанинг 2 ёки 3 дозасини олганидан сўнг унинг организмда COVID-19га қарши антитаначалар пайдо бўлади ва маълум вақт ўтгандан сўнг уларнинг миқдори камайиб боради. Бустер доза билан қўшимча (қайта) эмланиш эса бирламчи эмланишдан кейин ҳосил бўлган иммунитет даражасини қисқа муддатда қўтариб беради.

**Демак, бустер доза орқали сусайиб бораётган иммун тизимини қайтадан барқарор ҳолатга келтириши мумкин.**

**Нурмат Отабеков,**


**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати директори ўринбосари.**

## ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МАХСУС COVID ПОЛИКЛИНИКАЛАРИ ҲАР КУНИ 24 СОАТ ДАВОМИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА

**Аввал хабар берганимиздек, Тошкент шаҳрининг 12 та туманида 1 тадан махсус COVID поликлиникалар фаолияти йўлга қўйилди. Улар қуйидаги манзилларда жойлашган:**



- ▶ Бектемир туман марказий кўп тармоқли поликлиникаси
- ▶ Бектемир тумани, Водник даҳаси, 75-уй.
- ▶ 5-сонли Фтизиатрия диспансери
- ▶ Миробод тумани, 8-март кўчаси, 58-уй.
- ▶ 23-сон оилавий поликлиника “Бирлик” филиали
- ▶ Учтепа тумани, Чакмоний кўчаси, 14-а уй.
- ▶ 1-сон Фтизиатрия диспансери
- ▶ Мирзо Улуғбек тумани, А. Югнакий мавзеси, 15-а уй.
- ▶ 58-сон оилавий поликлиника
- ▶ Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 44-уй.
- ▶ 11-сон оилавий поликлиника
- ▶ Сергели тумани, Чоштепа кўчаси, 147-уй.
- ▶ 3-сон Фтизиатрия диспансери
- ▶ Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси, 1-берк, 3-уй.
- ▶ Тошкент шаҳар фтизиатрия ва пулмонология маркази
- ▶ Чилонзор тумани, Лутфий 7, 33-уй, 1-хонадон.
- ▶ 4-сон фтизиатрия диспансери
- ▶ Юнусобод тумани, 3-тор, Ниязбек йўли, 6-уй.
- ▶ 42-сон оилавий поликлиника
- ▶ Шайхонтохур тумани, Тахтапул кўчаси, 14-а уй.
- ▶ 2-сон фтизиатрия диспансери
- ▶ Яшнобод тумани, Мурғоб кўчаси, 93-уй.
- ▶ Тошкент шаҳар тери-таносил диспансери
- ▶ Янгиҳаёт тумани, Йўлдош 7, 23-уй.
- ▶ Эслатиб ўтамир, ушбу поликлиникалар рентген, кислород конденсаторлари, ПЗР-тест ва коронавирусга қарши зарур дори-дармонлар, сарфлов материаллари, дезинфекцияловчи эритмалар билан таъминланган.
- ▶ Поликлиникалар ҳар куни 24 соат давомида фаолият кўрсатади.



## ТЕРАПЕВТИК КАСАЛЛИКЛАРНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ СТАНДАРТЛАРИ

### Тадбир

*Куни кеча Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида «Терапевтик касалликларнинг клиник баённомалари, ташхислаш ва даволаш стандартларини амалиётга тадбиқ этиш асослари» мавзусига бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди.*

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган терапевт, гастроэнтеролог ва ревматолог йўналишидаги бош мутахассислар ва соҳадаги тиббиёт ходимлари иштирок этди. Мазкур семинарни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ихтисослашган марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг бош мутахассиси Х. Думанов кириш сўзи билан очиб, Давлатимиз раҳбари томонидан тиббиёт тизимига қаратилаётган эътибор ва соҳага оид қабул қи-

линаётган меъёрий-ҳужжатларнинг амалдаги ижроси тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида бу борада олиб борилаётган фаолиятларга ҳам алоҳида урғу қаратди. Бунинг баробарида семинар мавзуси юзасидан ўзининг фикрларини билдириб ўтди. Шу билан бирга Х. Думанов Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 273-сонли буйруғи ва соҳа йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган баённома ва стандартларнинг моҳиятини ёритиб берди. Кун

тартибидан ўрин олган семинарнинг асосий мақсади, 2021 йилда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқлаган терапиянинг гастроэнтерология ва ревматология йўналишлари бўйича тайёрланган стандартлари ва ревматологиядаги асосий касалликлар бўйича клиник баённомалар тақдиротига қаратилди. Марказнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг терапия бўйича бош мутахассиси профессор У. Камилова «Терапевтик касалликларнинг клиник баённомалари, ташхислаш ва даволаш стандартлари» хорижий давлатлардаги энг охири қабул қилинган тавсияномалардан фойдаланиб янгиланганини ва унинг асосий тамойиллари ҳақида тўхталиб, семинар иштирокчиларига янада чуқурроқ маълумот бериб ўтди. Семинар дасутридан ўрин

олган долзарб мавзулар бўйича соҳа мутахассислари маъруза қилдилар. Жумладан, марказнинг гастроэнтерология бўлими бошлиғи, вазирлиқнинг гастроэнтерология бўйича бош консультанти профессор М. Каримов «Гастроэнтерологик касалликларнинг клиник баённомалари ташхислаш ва даволаш стандартларини амалиётдаги аҳамияти» ҳамда Тошкент тиббиёт академияси 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси муdiri, вазирлиқнинг ревматология бўйича бош консультанти профессор Х. Мирахмедовалар «Ревматологик касалликларнинг клиник баённомалари ташхислаш ва даволаш

стандартларини амалиётдаги аҳамияти» тўғрисида маъруза қилдилар. Бундан ташқари, вазирлиқнинг геронтология бўйича бош консультанти тиббиёт фанлари доктори Ю. Талипова «Кекса беморларни даволаш стандартларининг тамойиллари» мавзусида ўз презентациясини олиб борди.

Албатта, ўзига хос тарзда ўтказилган мазкур семинарда соҳанинг малакали мутахассислари «Терапевтик касалликларнинг клиник баённомалари, ташхислаш ва даволаш стандартлари»ни амалиётга тадбиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, мавзу доирасида ўз фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташлашди.

*Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бу каби долзарб мавзудаги семинарлар соҳа ривожини учун алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиздир.*

Намоз ТОЛИПОВ.

## ҚАДРИ УЛУҒ ХАЛҚ - СОҒЛОМ ЯШАЙДИ

### Мақсадли скрининг

*Вилоятимизда «Инсон қадрини учун!» шиори остида тиббий акция бошланди. «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»даги ilk тадбир Наманган туманидаги Боғишамол маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтмоқда.*



Айни пайтда «Боғишамол» оилавий шифокорлик пункти биноси атрофи одамлар билан гавжум. Улар вилоят ихтисослаштирилган даволаш муассасаларининг энг малакали мутахассислари томонидан ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўрикда фаол иштирок этишяпти.

- Маҳаллабай ишлаш тизими ўтган йили аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда ижобий самара берди. Шунинг учун ҳам мазкур фаолиятни жорий йилда ҳам изчил давом эттиряпмиз, - дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқар-

лаштирилган илмий-амалий марказларининг Наманган филиаллари вакиллари эргалабданок ишга киришдилар. Айниқса, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали директори



Солижон Мўминов бошчилигидаги саломатлик посбонлари фаолият кўрсатишмоқда. Дарҳақиқат,



масн бош мутахассиси Ойбек Турдиматов. - Республика ихтисос-

боғишамолликлар учун бугун саломатлиқни тиклаш ва мустаҳкамлаш



Холмурод ота Абдубоев дуога қўл очиб.

Оилавий шифокорлик пункти муdiri Мархабо Охунованинг таъкидлашича, ҳудудда 9 минг нафарда зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бугунги тиббий жараён муносабати билан кўплаб маҳалладошлар бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасасига келишди. Ижобий жиҳати шундаки, уларнинг аксарияти хотин-қизлар ва болалар бўлиб, беморликлари учун эмас, балки саломатликлари қай ҳолатда эканлигини олдиндан билиш учун ташриф буюришганди. Шундай бўлсада 162 кишида турли касалликлар аниқланиб, соғломлаштириш чоралари кўриладиган бўлди.

- Туманимиздаги 5 та оилавий шифокорлик пункти ва 5 та оила поликлиникасида худди шу тарздаги касалликларни эрта аниқлаш ва барвақт босқичларда даволаш учун мақсадли скрининглар ўтказишни режалаштирганмиз. Келгуси манзил «Бешкапа» кишлоғи бўлади. Бу билан маҳаллалардаги саломатлик кўрсаткичларини янада яхшилашга эришамиз, - дейди тиббиёт бирлашма бошлиғи вазифасини бажарувчи Равшанбек Темиров.

Абдулла ҒОЗИЕВ.

# КОРОНАВИРУСНИНГ ЯНГИ ШТАММИ ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА ҚАНДАЙ КЕЧЯПТИ?



## АКУШЕР-ГИНЕКОЛОГ БИЛАН СУХБАТ

### Она саломатлиги – миллат бойлиги

Ўзбекистонда коронавирусга чалинаётган беморлар сони қунига 800 нафардан ошиб кетди. 15 январдан бошлаб Тошкент шаҳрининг 12 та туманида 24 соат ишлайдиган махсус ковид-поликлиникалар фаолият бошлади.



Янги тўлқин Ўзбекистонга “омикрон” штаммининг кириб келиши билан боғлиқ. Хўш, бу штамм айниқса, ҳимояга муҳтож тоифа – ҳомиладор аёлларга қандай таъсир қиляпти? Шу савол билан 3-сон туғруқ комплекси акушер-гинеколог Динара Матниёзовага юзландик.

–“COVID”га чалинган ҳомиладор аёлларнинг аксарият қисмида касаллик энгил даражада ўтяптими?

–Муассасамиз коронавирუსга чалинган ҳомиладор аёлларни даволаш ташкил этилган илк шифохона ҳисобланади. 2 йилдан буён ковидга чалинган ҳомиладорларни даволаб келяп-

миз. Афсуски, сўнгги кунларда улар орасида касаллик юқтирганлар сони ортиб бормоқда. Аммо сўнгги беморларимиз, хусусан янги омикрон штамми билан касалланган ҳомиладорларда оғир ва ўта оғир ҳолатлар кузатилмаяпти. Шифохоналарда даволанаётган беморларимизнинг аксарият қисми касалликни энгил даражада ўтказишяпти. Бирок, бугун касалликка чалинган кўпчилик ҳомиладор аёллар саросимага тушиб, дарров шифохоналарга мурожаат қилмоқда. Ҳар қанча тушунтирмайлик, туғруқхонада ётиб даволанишни истаяпти. Ўз навбатида биз уларга керакли барча тиббий хизматни

кўрсатяпмиз. Шифохонамизда шу вақтга қадар бу касалликни юқтирган ҳомиладорларнинг 10-15 фоизига энгил симптомлар билан даволанган бўлса, ҳозирда ётиб муолажа олаётганларнинг 85-90 фоизда нисбатан энгил ҳолат кузатилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан оғир аҳволдаги беморларга ўз вақтида стационар тиббий ёрдам кўрсатиш имконини чеклаши ҳам мумкин.

–Ҳомиладорларда касаллик кўпайишига сабаб – вакцина олмаганликими?

